

Рамазон рўзасини Тошкентда бошлаб, охирида бошқа юртда бўлса...

18:02 / 18.06.2017 4867

Савол: Бир дўстимнинг онаси сиздан сўраб беришимни илтимос қилган эдилар. Улар бу йил Рамазон рўзасини Тошкентда бошлаб, охирини умра сафариди Саудия Арабистонида тугатишларини айтган эдилар. Билишимизча, бу йилги Рамазон рўзаси Арабистонда бир кун аввал бошланиб, бир кун аввал тамомланди, бизда эса бир кун кейин бошланиб, бир кун кейин тамомланди, яъни иккала томон ҳам 30 кун рўза тутдилар (нотўғри ҳисоб қилган бўлсак, узр). Улар рўзанинг охирида Арабистонда бўлганликлари учун у ерликлар билан бирга тугатар эканлар. Шунинг учун рўзалари 29 кун бўлиб қоларкан. Улар яна бир кунни қазо қилиб тутиб берадиларми ёки бундай ҳолатда шарт эмасми? Аввалдан катта раҳмат!

Жавоб: [Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф](#)

Шарт эмас. Маккаликлар ҳам 29 кун тутишди.